

**НАМАНГАН МУХАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.К/Т.66.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБСОАТОВ ЮСУФ КАДИРОВИЧ**

**МОДИФИКАЦИЯЛАНГАН ЭПОКСИД ОЛИГОМЕРЛАРИ АСОСИДА  
АНТИКОРРОЗИОН ҚОПЛАМАЛАР ВА УЛАРНИНГ КОЛЛОИД-  
КИМЁВИЙ ХОССАЛАРИ**

**02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган-2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of the dissertation abstract of doctor of filsofy (PhD)**

**Абсоатов Юсуф Кадилович**

Модификацияланган эпоксид олигомерлари асосида антикоррозион  
қопламалар ва уларнинг коллоид-кимёвий хоссалари..... 3

**Абсоатов Юсуф Кадилович**

Антикоррозионные покрытия на основе модифицированных эпоксидных  
олигомеров и их коллоидно-химические характеристики ..... 21

**Absoatov Yusuf Kadirovich**

Anti-corrosion coatings based on modified epoxy oligomers and their colloid-  
chemical characteristics..... 39

**Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 42

**НАМАНГАН МУХАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.К/Т.66.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБСОАТОВ ЮСУФ КАДИРОВИЧ**

**МОДИФИКАЦИЯЛАНГАН ЭПОКСИД ОЛИГОМЕРЛАРИ АСОСИДА  
АНТИКОРРОЗИОН ҚОПЛАМАЛАР ВА УЛАРНИНГ КОЛЛОИД-  
КИМЁВИЙ ХОССАЛАРИ**

**02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган-2022**

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссиясида В2022.2.PhD/K459 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.nammti.uz](http://www.nammti.uz)) ва Ахборот таълим порталида «ZiyoNet» да ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Холиков Абдували Жонизакович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Абдикамалова Азиза Бахтияровна**  
кимё фанлари доктори

**Хошимов Фарход Файзуллаевич**  
техника фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент кимё-технология институти**

Диссертация ҳимояси Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.К/Т.66.02 рақамли Илмий кенгаш 2022 йил «13» август соат «14<sup>00</sup>» да бўлиб ўтади. (Манзил: 160115, Наманган шаҳар, Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел: (0569) 228-76-71, Факс: (0569) 228-76-71; e-mail: [niei\\_info@edu.uz](mailto:niei_info@edu.uz)).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№ 463 рақами билан рўйхатга олинган. (Манзил: 160115, Наманган шаҳар, Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел: (0569) 228-76-71, Факс: (0569) 228-76-71).

Диссертация автореферати 2022 йил «30» июлда тарқатилди.  
(2022 йил «30» июлдаги № 8-реестр баённомаси)



  
**О.К.Эргашев**  
Илмий даража берувчи  
илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

  
**Д.Ш.Шеркўзиев**  
Илмий даража берувчи  
илмий кенгаш котиби, т.ф.н., доцент

  
**А.С.Боймирзаев**  
Илмий даража берувчи  
илмий семинар раиси, к.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда бугунги кунда атроф-муҳитдаги агрессив муҳит билан ўзоро таъсирлашиш натижасида металл, бетон ва бошқа конструкцияларнинг бузилиши муаммоси мавжуд бўлиб, бу ҳар бир мамлакат иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатади. Шу муносабат билан юқори ҳароратга, физик-кимёвий таъсирларга чидамли бўлган янги полимер реагентлар ва уларнинг композицияларини яратиш, ҳамда уларнинг физик-механик, кимёвий, технологик ва химоя хусусиятларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Бугунги кунда дунёда табиий ва синтетик смолалар асосида коррозияга қарши янги химоя материалларини яратиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, эпоксид олигомерини турли хил кимёвий моддалар билан модификациялаш, янги композицион материаллар таркибини, тўлдирувчилар ва бошқа қўшимчаларни яратиш, композицион қопламалар таркибининг тизим адгезион мустаҳкамлиги, иссиқлик ва зарбага чидамлилигига, қолдиқ кучланиш ва кимёвий барқарорлигига таъсирини аниқлашга, турли тизимларнинг коррозион бузилиши олдини олиш учун муҳим вазифа ҳисобланган эпоксид катрони янги модификаторлари ва улар асосида қопламалар олиш технологияларини ишлаб чиқиш ҳамда синовдан ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикада янги кимёвий реагентлар ва эпоксид олигомерлари асосида композицион химоя қопламаларини олишда илмий-амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йиллар ривожлантиришга қаратилган Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида «...саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш»<sup>1</sup> га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада, юқори самарадорликга эга бўлган коррозияга қарши қопламалар яратиш, уларнинг таркиби, ишлаб чиқариш шароитлари, ҳамда физик-механик ва коллоид-кимёвий хоссалари ўртасидаги боғлиқликни ўрнатиш бўйича илмий тадқиқотлар катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 январдаги ПФ-60-сонли “2020-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сон “Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги.** Мазкур тадқиқот Республикада фан ва технологиялар ривожлантиришнинг VII «Кимёвий технологиялар ва нанотехнология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунёда ҳимоя қопламалари ва улар модификацияловчи қўшимчаларни яратиш соҳасида мақсадли тадқиқотлар Jackson W., Manson J.A., Manzione L.T., Wazarkar K., Яковлев А.Д., Розенфельд И.Л., Журков С.Н., Берлин А.А., Фомин М.Н., Емельянов Ю.В., Малинин А.В., Кравцов В.В., Скороходов О.Н., Негматов С.С., Джалилов А.Т., Акбаров Х.И., Жуманиязов М.Ж., Холиков А.Ж. ва бошқаларнинг илмий мактаблари томонидан фаол изланишлар олиб борилмоқда.

Мавжуд илмий ишларни таҳлил қилиш асосида юқори коррозияга қарши, адгезион, физик-механик ва коллоид-кимёвий хоссаларга эга композицион полимер қопламалар ишлаб чиқишда матрица таркибидаги фаол функционал гуруҳларнинг қопламалар эксплуатацион хусусиятларига таъсири ҳисобга олинмаганлигини таъкидлаш керак. Ушбу диссертация иши уретан боғлари ва кремний-кислородли кўприкларни ўз ичига олган эпоксид қатронлари асосида матрица яратиш муаммосини ҳал қилишга қаратилган.

**Диссертация мавзуининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Ўзбекистон миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ЁФ7-1 «Маҳаллий хом ашё асосида металллар коррозияси ингибиторларининг янги авлоди» мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** модификацияланган эпоксид олигомерлари асосида коррозияга қарши қопламаларни яратиш ва уларнинг коллоид-кимёвий хоссаларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

коррозияга қарши кўп функцияли қопламаларни ишлаб чиқариш учун материалларни танлаш ва асослаш;

пропиленкарбонат ва пропилендиаман асосидаги аддукт – уретан модификатори, шунингдек кремнийдиуретан синтези жараёнини тадқиқ этиш;

коррозияга қарши композициялар асосида адгезион мустаҳкам қопламалар ҳосил бўлиши жараёнлари ва уларнинг қотиш давридаги қовушқоқлигининг ўзгаришини ўрганиш;

композициялар таркиби ва тузилишининг олинган қопламалар физик-механик ва коллоид-кимёвий хоссалари, ғовақлиги, қолдиқ кучланиши, сув ютишига таъсирини ўрганиш;

ишлаб чиқилган қопламаларнинг кристаллик даражасини аниқлаш;

эпоксиуретан олигомерлари, тўлдирувчи, эритувчи ва бошқа кимёвий реагентлар асосидаги қопламаларнинг ҳимоя хусусиятлари, кимёвий ва иссиқликга бардошлилигини ўрганиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ЭД-20 эпоксид қатрони (ЭС), 1,2-пропиленкарбонат ва 1,3-пропилендиамин асосидаги модификаторлар, шунингдек композицион олигомер қопламаларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг предмети** эпоксид қатрони модификаторларини синтез қилиш ва уни модификациялаш усуллари, шунингдек коррозияга қарши қопламаларнинг физик-механик ва коллоид-кимёвий хоссалари, ҳамда уларнинг тўлдирувчи ва металл конструкцияси юзаси билан ўзаро таъсир қилиш механизмларидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда физик-кимёвий (ИҚ-, ЯМР-спектроскопик, электрон-микроскоп, рентгенфазовий, термогравиметрик) ва коллоид-кимёвий (визкозиметрия) таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

1,2-пропиленкарбонат ва 1,3-пропилендиаминлар реакциялари асосида гидроксилуретан (ГУБ) ва кремнийдиуретан (КУБ) бирикмалари синтез қилиниб, олинган натижалар кимёвий, спектроскопик таҳлил усуллари билан исботланган;

$\epsilon$  ва  $T_c$  қийматлари буйича ҳисобланган чокланиш зичлиги ЭУС1, ЭУС2 ва ЭУС3 намуналари учун  $3,41 \cdot 10^{-3}$ ;  $4,13 \cdot 10^{-3}$ ;  $4,25 \cdot 10^{-3}$  қийматларга, SiЭУС3 намунаси учун эса  $1,01 \cdot 10^{-2}$  қийматига эга бўлиб, бу нафақат таранглик модулининг ошиши ва молекуляр оғирлигининг пасайиши, балки қотган намуналар ғоваклигининг камайиши ҳисобига зичлигининг ортиши билан боғлиқлиги исботланган;

ЭУС1/амин аралашмасининг сув ютиш даражаси SiЭУС1 аралашмасига қараганда анча юқорилиги, ГУБ миқдори янада ошиши билан ғоваклик ва сувни ютиш қийматлари, бир вақтнинг ўзида КУБ модификатори учун концентрацияни 12-13% га ортиши бу кўрсаткични янада пасайтириши аниқланган;

эпоксид композициялари таркибига кремнийни ўз ичига олган уретаннинг киритилиши билан гель ҳосил бўлиш вақти сезиларли даражада камайиши, яъни SiЭУС1, SiЭУС2 ва SiЭУС3 намуналари учун мос равишда 16,8; 16,7 ва 12,0 дақиқани; ЭС; ЭУС1; ЭУС2 ва ЭУС3 намуналари учун мос равишда 68,0; 22,4; 24,2 ва 20,6 дақиқани ташкил этиши аниқланган;

паст концентрацияларда тўлдирувчининг киритилиши ички кучланиш қиймати камайишига, концентрациянинг 2,5-2,7% га кўтарилиши эса барча қотган аралашмалар кучланишининг кескин кўтарилишига олиб келиши ва тўлдирувчининг дастлабки ва модификацияланган эпоксид олигомерларининг тузилишига бир хил таъсир қилиши исботланган;

34% амин билан қотадиган SiЭУС3 асосидаги №3-гибрид қоплама энг юқори деформацион иссиқбардошликга, сиқилишда ва эгилишда мустаҳкамликга эга бўлиб, қотирувчи миқдорини яна 7-9 м.б. га ортиши ушбу хоссаларни, айниқса зарбдор қовушқоқликни 10-20 % га ошириши аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

юқори адгезион хусусиятларга эга бўлган коррозияга қарши қопламаларни олишга ёрдам берувчи эпоксид олигомерининг уретан ва

кремнийуретан модификаторларини синтез қилиш учун услубий асослари ишлаб чиқилган;

эпоксиуретан ва кремний-эпоксиуретан матрицалари асосида коррозияга қарши қопламалар таркиби яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Илмий тадқиқотлар замонавий физик-кимёвий ва аналитик усуллардан фойдаланган ҳолда олиб борилди ва «Олмалик кон-металлургия комбинати» ва «Навоий кон-металлургия комбинати» АЖ лабораториялари ва ишлаб чиқариш шароитида ўтказилган тадқиқотлар далолатномалари билан тасдиқланди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти эпоксиуретан ва кремний-эпоксиуретан полимер қопламаларини, юқори қовушқоқлик ва адгезия хусусиятига эга реагентларни, олигомер матрица мақбул таркибини ва унинг тўлдирувчи билан таъсирлашиш механизмини аниқлашга асосланган бўлиб, қувурлар ва бошқа металл сиртини ҳимоялаш учун коррозияга қарши қопламалар яратиш жараёнларини мақсадли амалга ошириш учун асос бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти модификатор ва олигомер қопламаларни синтез қилиш усулларини ишлаб чиқишга шунингдек, ўқув муассасаларида кимё ва кимёвий технология соҳаларида магистр ҳамда бакалаврларни тайёрлашда ўқув жараёни учун хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги.** Эпоксид смоласи асосида коррозияга қарши қопламалар олиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

пропиленкарбонат ва пропилендиамин асосидаги эпоксид смоласи модификаторлари ҳамда модификацияланган олигомерлар асосидаги саноат оқава сувлари қувурлари ва иссиқлик алмашинув сифимлари учун ҳимоя қопламаларини олиш усуллари «Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖнинг «2023-2024 йилларда амалиётга жорий этиладиган истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган («Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖнинг 2022 йил 30 июндаги АА-4870-сон маълумотномаси). Натижада, эпоксид смоласи массасининг 15% миқдоридан модификатордан фойдаланиш унинг адгезион мустаҳкамлигини 1,3-1,4 баробар ошириш имконини беради;

модификацияланган эпоксид смолалари асосида антикоррозион қопламаларини қўллаш усули «Навоий кон-металлургия комбинати» АЖда амалиётга жорий этилган (Навоий кон-металлургия комбинати АЖнинг 2022 йил 27 июндаги 23.01-01-07/435-сон маълумотномаси). Натижада, агрессив муҳит таъсирига қарши қувурлар сиртининг коррозияга чидамлилигини ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот ишининг асосий натижалари 2 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг нашр этилганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий ишлар нашр этилган, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси диссертацияларнинг асосий натижаларини нашр этиш учун тавсия қилган илмий нашрларда 5 та илмий

мақола, шундан 3 таси республика ва 2 таси халқаро журналларда нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан ташкил топган. Диссертация ҳажми 108 бетдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ишнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари тавсифланган, тадқиқотнинг объекти ва предмети аниқланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Юқори кимёвий ва механик мустаҳкамликга эга замонавий коррозияга қарши қопламалар»** деб номланган биринчи бобида металллар юзаси ва қувурларнинг коррозиядан бузилиш жараёнлари таҳлил қилинган, турли материалларни ҳимоя қилиш учун полимерлар асосидаги композицион материаллар ўрганилган, ўсимлик ва нефть мойлари ишлаб чиқариш корхоналари чиқиндилари асосидаги коррозияга қарши қопламалар, шунингдек, синтетик органик полимер қопламалар кўриб чиқилган. Эпоксид смолалари ва уларнинг замонавий модификацияланган шакллариининг технологик афзалликлари бўйича адабиётларда мавжуд маълумотлар умумлаштирилган ва таҳлил қилинган.

Адабиётлар таҳлили эпоксид қопламаларни таркибида уретан ва кремний бўлган бирикмалар билан модификациялаш ҳисобига уларнинг адгезион мустаҳкамлиги, кимёвий ва термик барқарорлигини ошириш имкониятини олдиндан белгилаб беради. Адабиётлар таҳлили ушбу ишнинг мақсади ва вазифаларини шакллантириш имконини берди.

Диссертациянинг **«Тажриба қисми. Тадқиқотнинг объектлари ва усуллариини таҳлил қилиш»** деб номланган иккинчи бобида синтез учун реагентлар, эпоксид смоласи ва улар асосида синтез қилинган модификацияланган олигомерларнинг таркиби, тузилиши ва физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш услуби, эпоксид катрони ва улар асосида синтезланган модификацияланган олигомерлар синтези учун реагентларнинг тузилиши ва физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш услубиятларини ўз ичига олувчи тадқиқот ишлари ёритилган. Полимер коррозияга қарши қопламаларнинг физик-кимёвий ва технологик хоссаларини аниқлаш усуллари ёритилган.

Эпоксид катрони сифатида кенг қўлланиладиган ЭД-20 маркали эпоксидион олигомери танланган (ГОСТ 10587-84). Гидроксилуретан мономери синтези учун 1,2-пропиленкарбонат (ПК) ва 1,3-пропилендиамин (ПДА) реагентларидан фойдаланилган.

Эпоксид-уретансиланли қоплама синтези тетраалкоксисиландан фойдаланиб амалга оширилди.

Қотирувчи сифатида циклоалифатик амин бирикмаси изофорондиамин ўрганилди. Ушбу модда қовушқоқликнинг паст қийматлари билан тавсифланади (динамик қовушқоқлик  $20^{\circ}\text{C}$ да  $18\pm 0,5$  мПа\*с).

Тўлдирувчи сифатида “Химреактив” МЧЖ дан олинган ZnO нанозарраларидан фойдаланилган. Асосий компонентнинг кристалл фазаси 99,8% ни, уларнинг ўлчами эса 11-13 нм ни ташкил этади.

Реотест-2.1 қурилмасида қатронсимон моддалар хоссаларини ва уларнинг қотиш жараёнларини аниқлаш учун вискозиметрик тадқиқотлари ўтказилди.

Қопламаларнинг термомеханик тавсифлари Гепплер консистометрида аниқланган. Бунинг учун  $1$  кгс/см<sup>2</sup> юкланишда тайёрланган таблетка шаклидаги қопламалардан фойдаланилди. Полимер қопламаларнинг термомеханик хусусиятларидан бири шишага айланиш ҳарорати ( $T_c$ ), кинетик сегментининг молекуляр оғирлиги ( $M_c$ ) ва тузилма тўри зичлигини ( $N_c$ ) аниқлаш мезонлари ҳисобланади.

Қоплама таркибини қўллашда керакли қовушқоқликка эришиш учун эритувчи сифатида ксилол ва метилэтилкетон (МЭК) (оғирлиги бўйича 0,75:0,25) аралашмасидан фойдаланилган. Қоплама пластина юзасига суркагич билан олигомер материал қатламини суртиш билан олинган бўлиб, қалинлиги 20 мкм атрофида бўлган қоплама камида 2 марта суртиш билан амалга оширилган. Аввал пўлат юзасини ёғсизлантириш, пўлат материални қуриштириш, қум қоғоз билан силлиқлаш ва ацетон билан ишлов бериш каби тайёргарлик босқичидан ўтказилган. Шундан сўнг қопламалар 30-120 минут давомида  $120-150^{\circ}\text{C}$  да қотирилган.

Ўрганилган намуналар асосида эркин плёнкаларни олиш ГОСТ 14246-78 га мувофиқ амалга оширилди. Сиқилишдаги бузувчи кучланиш ГОСТ 4651-2014 талабларига мувофиқ аниқланган. Нисбий чўзилиш ва мустаҳкамлик чегараси каби механик хоссаларини аниқлаш учун ИР 5057-50 маркали ажратиш машинасидан фойдаланилган. Қопламаларнинг едирилиш ва емирилишга чидамлилигини синовдан ўтказиш учун Табер 1700 моделидаги абразиметри ишлатилган.

Қопламаларнинг силжишдаги адгезион мустаҳкамлигини аниқлаш (ГОСТ 14759-69) ОР типидagi адгезиометр ёрдамида амалга оширилди. Қопламаларнинг гидролитик барқарорлиги намуналар 3 соат давомида қайнатилгандан кейин адгезион мустаҳкамлигининг ўзгариши билан баҳоланди.

Қопламаларнинг қаттиқлиги ГОСТ талабларига кўра (ГОСТ Р 54586-2011) Вергамер К қурилмаси (қалам қаттиқлиги) ёрдамида аниқланди. Зарбдор қовушқоқлик ГОСТ 14235-69 бўйича аниқланди.

Ўрганилаётган материалнинг сувни ютиш даражаси гидростатик тортиш усули ва Мак-Бен мосламасида сув буғининг адсорбцияси миқдори билан аниқланди. Сув буғларини адсорбциялаш жараёнларидан олдин ва кейин сув миқдори Фишер усуллари ёрдамида аниқланган. Бу усул асосида гигроскопик ва кристалланган сувнинг миқдорини аниқлаш мумкин. Шунингдек, очик

фовакликнинг ўзгариши гидростатик босим усули билан ҳам аниқланди. Эпоксид гуруҳининг % ини аниқлаш ГОСТ 12497-78 бўйича амалга оширилди. Эпоксид эквивалент оғирлиги (ЭЭО) ёки оддийгина эпоксид эквиваленти – бу олигомер эпоксид гуруҳининг грамига тўғри келадиган массасидир. Эпоксид сони маълумотлари асосида эпоксид эквиваленти қийматлари ҳисобланади.


Диссертациянинг «**Гибрид эпоксидуретан қопламалари синтези ва уларнинг коллоид-кимёвий хоссалари**» деб номланган учинчи бобида эпоксид қатрони (смоласи) модификаторлари синтези ва модификациялаш жараёнларининг тадқиқот натижалари келтирилган.

Бошланғич компонентларнинг моль нисбати, ҳарорат ва жараён давомийлигининг маҳсулот унумига таъсири ўрганилган. Бунинг учун маълум миқдорда аралашма аралаштиргич, термометр ва тескари совутгич билан жиҳозланган тўрт бўйинли колбага солинади. Шунингдек аралашмага, умумий массанинг 0,5% миқдорида триэтиламин қўшилади. Тизимнинг ҳарорати 3-6 соат давомида 85°C сақланади. Дастлабки компонентларнинг нисбати 1:0,5 дан 1:1,5 гача ўрганилди.

Маҳсулотнинг таркиби ва чиқиши ИҚ-Фурье и ЯМР-спектроскопияси ва уретанда аминлар сонини белгилаш натижалари билан тасдиқланди.

Бирикиш реакциясининг тугаши маҳсулотларнинг ИҚ спектрларида 1775,83 см<sup>-1</sup> соҳасида кузатилган карбонат гуруҳига хос бўлган чўққиларнинг йўқолиши билан тасдиқланади. 1529 см<sup>-1</sup> да чўққининг мавжудлиги уретан боғининг шаклланишини кўрсатади. Бундан ташқари, маҳсулот таркибидаги гидроксил гуруҳи 3393 см<sup>-1</sup> да чўққи мавжудлиги билан тасдиқланади.

ПК: ПДА нисбатини 1:0,5 дан 1:1,5 гача кўтариш реакция унумини оширади, бу эса жараён давомийлигига таъсир қилади. Бироқ, дастлабки реагентлар моль нисбатининг реакция тезлигига таъсирини ўрганиш бу қийматлари фақат 1:1,2 (ПК:ПДА) нисбатгача сезиларли даражада ошганини кўрсатди, бу нисбатнинг янада оширилиши эса жараён тезлиги ва унумига деярли таъсир қилмайди. Дастлабки вақтда тезликнинг ошишига қарамай, юқори унумни сақлаб қолиш учун реакция давомийлиги камида 4-5 соат бўлиши керак.



1-расм. ГУБ ИК-спектри.


Шунингдек, илгари синтез қилинган ГУБ ва алкоксикремний асосида таркибида кремний бўлган диуретан синтези бўйича тадқиқотлар ўтказилди. Жараён тизим массасининг 0,1-0,5% миқдорида қалай олеат қўшилиши билан амалга оширилди. Кремний диуретан ҳосил бўлиши 3390 см<sup>-1</sup> соҳасида

жойлашган кенг гидроксил чўққисининг йўқолишини ИҚ-спектрал таҳлил ёрдамида кузатиш мумкин.

Жараён ҳароратини унумга таъсирини ўрганиш жараёни 65-70°C ҳароратда олиб бориш маъқул бўлишини кўрсатди. Бундай ҳароратларда 1 соатлик ўзаро таъсирдан кейин жараён унуми 95,4% дан кам бўлмаган кўрсаткични ташкил этади.

Алкоксикремний таркибидаги радикал структуранинг жараён унумига таъсирини ўрганиш радикал таркибида углерод атомларининг кўпайиши маҳсулот унумини камайтиришини кўрсатди. Шу билан бирга, узунроқ занжир (5 дан ортиқ С атомлари) кейинги жараёнга, яъни эпоксид қатронининг модификациясига салбий таъсир кўрсатади ва кремний-эпоксиуретан олигомерининг ( $C_5=56$ ,  $C_6=42\%$ ) унумини камайтиради.

ЭД-20 ни синтезланган модификаторлар билан ишлов бериш 60-70°C ҳароратда амалга оширилди. Модификациялаш вақтини қопламаларнинг физик-кимёвий хоссаларига, адгезия ва кимёвий барқарорлигига таъсири ўрганилди. Модификацияловчи компонентларнинг миқдори билан фарқланадиган ЭС-ГУС ва ЭС-КУС нинг бир неча намуналари олинди (1-жадвал).



2-расм. 1) ЭУС1; 2) ЭУС2; 3) ЭУС3 намуналарининг ИҚ-спектрлари.

ЭУС намуналарида янги чўққиларнинг шаклланишини кўрсатади: 1630-1510  $cm^{-1}$  соҳасида кучли чўққи бўлиб, улар  $-N-C=O$  га тўғри келади. 3500-3300  $cm^{-1}$  минтақасидаги кенг чўққи интенсивлигининг ошишини кўриш мумкин, бу водород боғларининг шаклланишидан далолат беради. Барча ЭУС намуналари интенсивлиги бир оз фарқ қилувчи бир хил соҳаларда чўққиларни кўрсатади.

Таркибида кремний бўлган намуналарнинг ИҚ-спектрларида юқорида қайд этилган чўққилар билан бир қаторда  $Si-O$  га хос бўлган 1100-1000 ва 600-500  $cm^{-1}$  даги чўққиларни кўриш мумкин. Шу билан бирга, 908  $cm^{-1}$  да чўққининг сезиларли пасайиши ва 3341  $cm^{-1}$  соҳада чўққилар интенсивлигининг ортиши кузатилади, бу эса оксидан гуруҳини парчалаш ва гидроксил гуруҳини ҳосил қилиш билан боғлиқ бўлиши мумкин. Эҳтимол, 2800-2900  $cm^{-1}$  соҳасидаги чўққи интенсивлигининг ошиши нафақат  $CH_2$  боғлари, балки янги  $-Si-OC_2H_5$  боғларининг шаклланиши билан ҳам боғлиқ.

Металл юзаси сифатида С35Е пўлат маркаси танланган, унинг устига модификацияланган ЭД-20 ва қотирувчи аралашмаси қопланган. Қотирувчи

микдорини белгилаш учун модификацияланган ЭД-20 таркибидаги эпоксид гурухларининг микдори аниқланди (2-жадвал).

1-жадвал.

**Модификацияланган эпоксид қатронининг таркиби, масс. %**

Компонентлар	Модификацияланган ЭС намуналар					
	ЭУС1	ЭУС2	ЭУС3	SiЭУС1	SiЭУС2	SiЭУС3
ЭД-20	95	90	85	95	90	85
ГУС	5	10	15	-	-	-
КУС	-	-	-	5	10	15

2-жадвал.


**Гибрид қатронларининг асосий тавсифлари**

Намуна	Эпоксид сони, %	Эпоксид эквиваленти, г/моль	Қотирувчи микдори *, г/100 г қатрон
ЭУС1	17,80	235,9	36,0
ЭУС2	15,61	269,0	31,6
ЭУС3	13,42	313,0	26,5
SiЭУС1	18,97	221,4	38,4
SiЭУС2	17,89	234,7	36,2
SiЭУС3	16,77	250,5	33,9

\*-изофорондиамин.

Жадвалдаги маълумотлардан эпоксид олигомерининг модификаторлари микдори ортиши билан гибрид материалнинг эпоксид сони (э.с.) камайиши кўриниб турибди. Э.с. нинг камайиши модификатор таркибидаги NH<sub>2</sub> гуруҳи билан реакцияга киришиши натижасида оксиран ҳалқасининг гидроксил гуруҳларга айланиши туфайли юзага келади. Олинган маълумотларга асосланиб, қотирувчи керакли микдорлари ҳисоблаб чиқилган.

Адгезион мустаҳкамликни ўрганиш учун олигомерлар пўлат намунаси юзасига қопланди ва 30-120 минут давомида 110-150°C да, кейин хона ҳароратида 24 соат давомида қотирилди. Гибрид қопламаларнинг адгезион мустаҳкамлигига ҳарорат ва қотиш вақтининг таъсири ўрганилди.




**3-расм. (ЭУС) қопламалари адгезион мустаҳкамлигининг 120°Cда қотиш давомийлигига боғлиқлиги.**

Диаграмманинг эгри чизиқларидан эпоксид олигомери таркибида ГУБ мавжуд бўлганда (ЭУС1), қотиш бошланган даврида адгезион мустаҳкамлигининг пасайишини кузатиш мумкин. Эҳтимол, уретан бирикмаларининг бундай концентрациясида қўшимча тўрли тузилма учун етарли микдорда кимёвий боғланишлар ҳосил бўлмайди. КУС:ЭД-20 нисбатини 15:85 га ошириш адгезион мустаҳкамликнинг 20% га ошишига олиб келади. Олинган натижалар шуни кўрсатадики, уретан боғларининг

улуши ортиши билан эпоксид матричасининг адгезион мустаҳкамлиги кучаяди. Бироқ, модификацияловчи ГУБ қўшимчасининг миқдорини 30% ва янада орттириш мустаҳкамликни сезиларли даражада пасайтиради, бу эса эпоксид гуруҳларининг қотиш пайтида тўрли тузилма ҳосил қилиши учун етарли эмаслиги билан боғлиқ. Бу гибрид олигомернинг э.с. 6,84%, эпоксид эквиваленти қиймати эса 617,3 г/моль га тенг. Бунда керакли миқдордаги қотирувчи 13,7 г/100г гача камаяди. Ушбу гибрид қатронлар тизими анча узоқ вақт (2 соатдан ортиқ) қотади ва адгезион мустаҳкамлик ЭУС3 намунасига нисбатан 2 баравардан кўпроқ камаяди. Эҳтимол адгезион мустаҳкамликнинг пасайиши, асосан, қотирилаётган қоплама молекуляр массасининг пасайиши билан боғлиқ, чунки бошқа омиллар, масалан, гибрид композиция таркибидаги ОН гуруҳлари каби ЭУС3 намунасига нисбатан катта қийматга эга.


SiЭУС намуналарининг мустаҳкамлиги қотишнинг барча ҳарорат оралиқларида ва давомийлигида ЭУС намуналари билан деярли бир хил қийматларга эга. Бироқ, реакция тизимидаги КУБ концентрациясининг 30% га ошиши ГУС да бўлгани каби адгезион мустаҳкамликнинг сезиларли пасайишига олиб келмайди. Эҳтимол, бу гибрид қопламанинг тўрли тизимини шакллантиришда Si-O боғларнинг иштироки билан боғлиқ.

T<sub>c</sub> натижаларини аниқлаш 4 ва 5-расмларда келтирилган.



**4-расм. Юқори эластик**

деформациясининг ЭУС намуналарини қиздириш ҳароратига боғлиқлиги.



**5-расм. Юқори эластик**

деформациясининг SiЭУС намуналарини қиздириш ҳароратига боғлиқлиги.

5-расмдан кўриниб турибдики, дастлабки эпоксид қатрон таркибига 5% ГУБ киритилиши шишага айланиш ҳароратини 103 дан 109°C гача оширади, КУБ нинг айнан шундай миқдори T<sub>c</sub> ни 117°C гача оширади. ЭУС1, ЭУС2 ва ЭУС3 намуналари учун Δε ва T<sub>c</sub> қийматларидан ҳисобланган чокланиш зичлиги 3,41\*10<sup>-3</sup>; 4,13\*10<sup>-3</sup> ва 4,25\*10<sup>-3</sup> га тенг. SiЭУС намуналари учун чокланиш зичлиги қийматлари ЭУС намуналари билан солиштирганда сезиларли даражада юқори, бу нафақат таранглик модулининг ошиши ва молекуляр массанинг пасайиши, балки қотган намуналарнинг зичлиги ғоваклик камайиши ҳисобига ортиши билан ҳам боғлиқ. Таранглик модули ва чокланиш зичлиги қийматларини аниқлаш натижалари 3-жадвалда келтирилган.

## 3-жадвал.

## Модификацияланган эпоксид олигомерлари термомеханик хусусиятларининг ўзгариши

Намуна	T <sub>c</sub> , °C	E <sub>v</sub> , кгс/см <sup>2</sup>	N <sub>c</sub> , моль/см <sup>3</sup>
ЭД-20	103	0,0352	1,96*10 <sup>-3</sup>
ЭУС1	109	0,0371	3,41*10 <sup>-3</sup>
ЭУС2	122	0,0368	4,13*10 <sup>-3</sup>
ЭУС3	134	0,0408	4,25*10 <sup>-3</sup>
SiЭУС1	117	0,0444	6,11*10 <sup>-3</sup>
SiЭУС2	130	0,0469	8,96*10 <sup>-3</sup>
SiЭУС3	145	0,0510	1,01*10 <sup>-2</sup>

Кристаллик даражасини аниқлаш учун қотган намуналарнинг рентгенфазали таҳлили ўтказилди. Намуналарнинг дифрактограмма бўйича ҳисобланган кристаллик қиймати 4-жадвалда келтирилган.

## 4-жадвал.

## Қопламаларнинг кристаллик даражаси, %

Намуналар	ЭД-20	ЭУС1	ЭУС2	ЭУС3	SiЭУС1	SiЭУС2	SiЭУС3
K, %	1,86	2,36	2,48	2,78	2,61	3,58	3,41

Кристаллик даражасининг қийматларидан ЭД-20 таркибига кремнийли фрагментни киритиш тизимнинг мунтазамлигини оширишга ёрдам беришини ҳулоса қилиш мумкин. Барча қотган модификацияланган эпоксидлар нисбатан юқори кристаллик қийматларни кўрсатади. Бинобарин, модификацияланган тизимларда молекулалараро ўзаро таъсирнинг бошқача табиати кузатилади, бу молекулалараро ўзаро таъсирларнинг сони ва хусусиятига таъсир қилади.

Ғоваклик қопламанинг асосий мезонларидан бири бўлиб, унинг ортиши қоплама барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади. Айнан мана шу ғоваклар шаклининг кескин ўзгариши туфайли ушбу зоналарда кучланиш концентрациясининг ошишига олиб келади, бу эса материалнинг мустаҳкамлигини камайтиради. Очiq ғовакликнинг аниқланган қийматлари (%) 5-жадвалда келтирилган.

## 5-жадвал.

## Ўрганилаётган қопламалар учун очiq ғоваклик қийматлари, %


ЭД-20	ЭУС1	ЭУС2	ЭУС3	SiЭУС1	SiЭУС2	SiЭУС3
1,31	1,39	1,46	1,48	1,34	1,26	1,08

5-жадвалдан кўриниб турибдики, эпоксид олигомерини ГУБ билан модификациялаш очiq ғоваклик даражасининг бироз ошишига олиб келади. Ушбу ўзгаришлар олигомерлар намуналари қотиш жараёнида қутбли сув молекулаларига нисбатан нисбий юзасини оширадиган фаол функционал гуруҳлар ҳисобига агломератлар ҳосил бўлишини кўрсатади. SiЭУС намуналарида ғовакликнинг қисман камайиши, эҳтимол, кремний органик бирикларига ҳисобига юзанинг янада кўпроқ гидрофобланиши натижасидир ва таркибда ушбу модификаторлар қанчалик кўп бўлса ғовакликнинг пасайиши шунчалик кўп ва сезиларли бўлади.

Емирилишга бардошлилик уретан қопламаларнинг ўзига хос хусусияти бўлиб, кутилганидек, ЭС ни уретан бирикмалари билан модификациялаш ушбу кўрсаткичнинг юқори қийматларига олиб келди. Юқори емирилишга

бардошлиликни SiЭУС3 қопламаси кўрсатди, у 100 емирилиш циклидан кейин 2,9 мг вазни йўқотди. Амин билан ишлов берилган дастлабки ЭД-20 намунаси киритилган қотирувчи амин миқдоридан қатъий назар кўпроқ оҳирлик йўқотиш ҳисобига энг кам бардошлиликни намоён қилди.

Тизимда структурани шакллантиришнинг асосий мезони тизим қовушқоқлигининг ўзгариши ҳисобланади. Ушбу намуналар қовушқоқлик қийматлари кўтарила бошланганда қотиш жараёнининг давомийлиги бўйича фарқланиши аниқланди.




**6-расм. Дастлабки ва модификацияланган эпоксид олигомерлар қовушқоқлигининг қотиш жараёни давомийлигига боғлиқлиги.**

Дастлабки ЭД-20 нинг қотиш ҳароратида яшовчанлиги 30 дақиқадан ортиқ эмас, SiЭУС1; SiЭУС2 ва SiЭУС3 учун эса мос равишда 6; 5 ва 3,8 дақиқани ташкил этади. Гель ҳосил бўлгунга қадар жараён давомийлиги ЭС; ЭУС1; ЭУС2 ва ЭУС3 намуналари учун мос равишда 68,0; 22,4; 24,2 ва 20,6 дақиқани, шунингдек SiЭУС1; SiЭУС2 ва SiЭУС3 намуналари учун 16,8; 16,7 ва 12,0 дақиқани ташкил қилади, яъни таркибида кремний бўлган уретанни эпоксид композицияларига киритиш гель ҳосил бўлиш вақтини сезиларли даражада қисқартиради.

Диссертациянинг **“Модификацияловчи қўшимчаларнинг эпоксиуретан олигомерлар технологик хусусиятларига таъсирини ўрганиш”** деб номланган тўртинчи бобида ZnO тўлдирувчиси, эритувчи ва гибрид қопламалар таркибини уларнинг физик-механик, коллоид-кимёвий хоссалари ва барқарорлигига таъсирини ўрганиш натижалари келтирилган.

Олинган маълумотларга асосланиб, адсорбция миқдорининг ЭС концентрациясига ва унинг модификацияланган шакллариға боғлиқлиги графиклари тузилди (7-расм). Диаграмманинг эгри чизиқларидан кўриниб турибдики, барча изотермалар ИЮПАК тизимиға кўра L-шакли билан тавсифланади, улар Ленгмюр изотермалариға, яъни Ленгмюр тенгламаси ёрдамида тавсифланиши мумкин бўлган адсорбция жараёнлариға тегишли.



**7-расм. Тўлдирувчи (ZnO) юзасида олигомерлар адсорбцияси изотермаси.**


Олинган изотермаларни Ленгмюр чизиқли тенгламаси билан қайта ишлаш қуйидаги маълумотларни олишга ёрдам берди (6-жадвал).

**6-жадвал.**

**Ленгмюр тенгламаси параметрлари**

Адсорбат сифатидаги намуна	R <sup>2</sup>	A <sub>0</sub> , мг/г	K, г/г
ЭД-20	0,9999	1,342	0,238
ЭУС1	1,0000	0,980	0,182
ЭУС3	0,9788	0,774	0,091
SiЭУС1	0,9990	2,195	0,133
SiЭУС3	0,9994	2,498	0,172

К маълумотларидан барча адсорбат молекулалари билан тўлдирувчи юзасининг заифлашишига мойиллиги ҳақида хулоса чиқарилди. Юза моноқатламидаги адсорбат миқдори ЭС нинг ГУБ билан модификациялаш натижасида камаяди ва КУС да озгина ортади. Эҳтимол, эритувчи молекулалари ҳам моноқатлам ҳосил бўлишида иштирок этади, улар тўлдирувчининг фаол марказлари билан боғланиш учун ҳам рақобатлаша олади, бу ҳам ўрганилаётган адсорбатларга нисбатан умумий адсорбция фаоллигини камайтиради.



**8-расм. Модификацияланган олигомерлар тизимидаги ички кучланишнинг 80°Сда қотиш муддатига қараб ўзгариши. (ZnO нинг миқдори 5% ни ташкил қилади).**

Тўлдирувчи миқдорининг ошиши ZnO агрегатлари юзасининг тўлиқ намланмаслигига олиб келади. Шунинг учун фазаларара чегарасида сезиларли даражада қолдиқ кучланиш ҳосил бўлади, у ёриқ ва нуқсонлар манбаи ҳисобланади. Қолдиқ кучланиш қийматларининг ўзгариш тезлиги ЭД-20>SiЭУС1>ЭУС1 каторида ортади ва 3,65; 2,37 ва 1,56 МПа/соатни ташкил этади. Дастлабки вақтда SiЭУС1+тўлдирувчи тизимидаги  $\sigma_{кол}$  ўзгаришлар

тезлигининг юқори қийматларига қарамай, умумий ўзгариш ЭУС1+ тўлдирувчи тизимига нисбатан камроқ кузатилади. Шу сабабли, бу тизимларда уларнинг ғоваклигига таъсир этувчи деярли бир хил ёриқлар кузатилиши мумкин.

Паст концентрацияларда ZnO барча қотган қопламалар ғоваклигини пасайтиради, бу айниқса SiЭУС тизимлари учун сезиларли. Дастлабки қатрон учун тўлдирувчи миқдорини 2% гача ошириш мумкин, бунда ғоваклик даражаси камида 1%, ЭУС1; ЭУС2; SiЭУС1 ва SiЭУС3 намуналари учун эса мос равишда 0,8; 0,72; 0,66 ва 0,55% ни ташкил этади. Шу сабабли, ғовакликни сезиларли даражада оширмасдан тўлдирувчи таркибини ЭУС3; SiЭУС1 и SiЭУС3 учун 2,5% га етказиш мумкин.

Тўлдирувчининг киритилиши гидрофоблик даражасини ўзгартиради, бу тўлдирувчи табиати ва унинг зарралари ўлчамига, яъни дисперслигига боғлиқ. Шунингдек, илгари ўрганилган кўрсаткичлардаги каби, тўлдирувчи концентрациясининг энг афзал қийматлари 2-2,5% ни ташкил этади, бунда намланиш бурчагининг энг юқори кўтарилишига эришилади. Тўлдирувчи миқдорини 3% га ошириш SiЭУС3 намунасидаги сувнинг намланиш бурчагини бироз ўзгартиради (119-121 дан 106-109° гача), дастлабки ЭД-20 учун эса намланиш бурчаги 89 дан 60° гача камаяди. ZnO миқдорининг ортиши билан гидрофобликнинг пасайиши, эҳтимол, эркин юза энергиясининг ортиши ҳисобига заррачаларнинг агрегацияси билан боғлиқ. Кейинги тадқиқотлар учун мақбул таркиблар танланган ва улар 7-жадвалда келтирилган.

7-жадвал.

**Коррозияга қарши қопламаларнинг ишлаб чиқилган таркиблари**

Таркиби	1	2	3
Асоси ва унинг концентрацияси	ЭД-20; 60,0	ЭУС3; 56,7	SiЭУС3; 59,0
Тўлдирувчи	2,0	2,5	3
Пигмент	1	1	1
Қаттиқлаштирувчи, г:100 г матрица/ системадаги %	40/24,0	38/24,3	34/20,0
Пластикатор	5	7	8
Кўпикни сўндирувчи	1,5	1,5	1
Эритувчи	6	7	8

Термогравиметрик таҳлил ёрдамида яратилган таркибларнинг термик барқарорлиги аниқланди. Барча қотган қопламалар деярли бир босқичли масса йўқотиш билан тавсифланади ва бу жараён тахминан 230-250°С да бошланади. Ҳароратнинг ошиши учувчи моддалар тўлиқ чиқиб кетгунига қадар масса ўзгариши эгри чизигининг секин-аста пасайишига олиб келади. Шу билан бирга SiЭУС3 асосидаги намуна энг юқори парчаланиш ҳароратини кўрсатди ва бу намунада қиздириб чўғ қилингандан сўнг энг катта миқдордаги қолдиқ бор булиб, бу учмайдиган Si ва Zn оксидлари миқдори юқорилиги билан боғлиқ.


Олинган қоплама намуналари қуйидаги физик-кимёвий хоссаларни кўрсатди (8- жадвал).

## Қопламаларнинг физик-механик хоссалари

Хоссалар	Қоплама намуналари		
	1	2	3
Адгезия, МПа	2,4	2,7	3
$V_y$ , кДж/м <sup>2</sup>	6,3	6,2	8,1
$\sigma_{сж}$ , МПа	86	113	141
$\sigma_{изг}$ , МПа	33	41	50
$T_c$ , °С	144	172	196
Қаттиқлик	4Н	5Н	7Н
Қолдиқ кучланиш	4,3	3,6	3,1

$V_y$  – зарбдор қовушқоқлик,  $\sigma_{сж}$  и  $\sigma_{изг}$  - сиқилиш ва эгилишдаги мустаҳкамлик.

SiЭУС3 асосидаги 34 % миқдордаги амин билан қотган 3-сонли гибрид қоплама энг юқори деформацияли иссиқликка бардошлилик ва мустаҳкамликка эга. Қотирувчи миқдорини яна 7-9 м.б. га ошириш бу хусусиятларни, айниқса зарбдор қовушқоқликни яна 10-20 % га оширади. Маълум бўлишича, 2-сонли таркиб энг кам зарбдор қовушқоқликни намоён қилади.



9-расм. Гидролитик барқарорликка текширилган қопламаларнинг ташқи кўриниши.

Қопламаларнинг кислота ва ишқорларга барқарорлиги қопланган пўлат панелларини 5% кислота ( $H_2SO_4$ ) ва (NaOH) ишқор эритмаларига  $24 \pm 1$  соат давомида чўктириш йўли билан баҳоланди. Маълум бўлишича, иккала гибрид полимерлар (2 ва 3 таркиб) билан қопланган намуналар мукамал кимёвий барқарорликни кўрсатди. Тизимларнинг боғланиш вақти давомида ушбу агрессив муҳитнинг таъсири кузатилмади. Шу билан бирга, бу қопламалар, айниқса, SiЭУС асосидаги қопламалар учун мукамал гидролитик қобилиятни кўрсатади ва бу қопламалар 3 соат давомида қайноқ сувга ботирилгандан кейин юза плёнкаси нуқсонларини кўрсатмайди (9-расм).

Эритмалардан заррачаларнинг диффузиясини миқдорий аниқлаш учун масса ютилиш миқдорлари (%) аниқланди. Сувли муҳитда сақланганда (қопламанинг:сув масса нисбати 0,01) барча қопламалар бўкиш жараёни билан тавсифланади. Ўтказилган тадқиқотлар энг агрессив муҳит сув, сўнгра кислота ва ишқор эритмалари эканлигини кўрсатди. Кутилганидек, 3-таркибга асосланган қоплама намунаси энг барқарор деб топилди.

## ХУЛОСА

1. Эпоксид олигомери хоссаларини яхшилаш учун модификаторларни синтез қилишнинг оптимал шароитлари аниқланди. Модификацияланган эпоксид қатронлари таркиби ИҚ ва ЯМР таҳлиллари асосида аниқланди ва модификациялаш натижасида дастлабки ЭД-20 таркибида янги боғлар:  $-N-C=O$ ,  $Si-O$  ҳосил бўлиши кузатилди.

2. Модификацияловчи кўшимча ЭД-20 нинг қотиш табиатига ва адгезион хусусиятларига таъсири ўрганилган. ГУБ миқдорининг 30% гача кўтарилиши адгезион мустаҳкамликни оширади, 30% дан ошиши уни сезиларли даражада камайишига олиб келади, бу эса қотиш жараёнида тўрли структура ҳосил қилиш учун эпоксид гуруҳларининг етишмаслиги билан боғлиқ. SiЭУС намуналарининг мустаҳкамлиги қотишнинг барча ҳарорат интервалларида ЭУС намуналари билан деярли бир хил қийматга эга. Бирок реакцион тизимда КУБ концентрациясининг 30% гача ошиши адгезион мустаҳкамликни сезиларли пасайишига олиб келмайди, бу гибрид қопламанинг тўрли структурасини ҳосил қилишда Si-O боғларининг иштироки билан боғлиқ.

3. ZnO тўлдирувчиси ва олигомер матрица ўртасидаги ўзаро таъсирнинг эҳтимолли механизмлари таҳлил қилинган. Ленгмюр константаси маълумотларига кўра, барча адсорбат молекулалари билан тўлдирувчи юзасининг заиф мойиллиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Юза моноқатламидаги адсорбат миқдори ЭС нинг ГУБ билан модификациялаш натижасида пасаяди ва КУБ да бир оз кўтарилади. Тўлдирувчида адсорбция кўрсаткичининг ошиши ўзаро таъсир қилувчи компонентлар табиати ўхшашлигининг ошиши ва солиштирма юзанинг бироз ошиши билан боғлиқ.

4. ZnO нинг паст концентрацияларида барча қотган қопламаларнинг ғоваклиги пасайди, бу айниқса SiЭУС тизимлари учун сезиларли. Дастлабки қатронлар учун тўлдирувчининг миқдорини 2% га ошириш мумкин, бунда ғоваклик даражаси 1% дан ортиқ бўлиб, ЭУС1; ЭУС2; SiЭУС1 ва SiЭУС3 намуналари учун тахминан, мос равишда 0,8; 0,72; 0,66 и 0,55% ни ташкил этади. Шу сабабли ғовакликни сезиларли даражада оширмасдан ЭУС3; SiЭУС1 ва SiЭУС3 учун тўлдирувчи таркибини 2,5% гача ошириш мумкин.

5. Олинган қопламалар мукамал гидролитиклик барқорарликни кўрсатди, бу айниқса SiЭУС асосидаги қопламаларга тегишли булиб, қопламалар қайноқ сувда 3 соат давомида сақланганда юза плёнкаларида нуқсонлар кўринмайди.

6. Коррозияга қарши қопламалар таркиблари ишлаб чиқилган. Модификатор, пластификатор, пигмент, эритувчи миқдорининг коррозияга қарши қопламаларнинг кимёвий барқорорлигига таъсири аниқланган. Ишлаб чиқилган таркиблар «Олмалиқ КМК» ва «Навой КМК» АЖда синовдан ўтказилди. Синов натижалари ишлаб чиқилган эпоксид смоласи модификаторлари ва коррозияга қарши қоплама таркиблари саноат оқава сувлари қувурлари ва иссиқлик алмашинув сиғимлари учун ҳимоя сифатида ишлатилиши мумкинлигини кўрсатди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD 03/30.12.2019.К/Т66.02 ПРИ  
НАМАНГАНСКОМ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ  
ИНСТИТУТЕ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ**  

---

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА**

**АБСОАТОВ ЮСУФ КАДИРОВИЧ**

**АНТИКОРРОЗИОННЫЕ ПОКРЫТИЯ НА ОСНОВЕ  
МОДИФИЦИРОВАННЫХ ЭПОКСИДНЫХ ОЛИГОМЕРОВ И ИХ  
КОЛЛОИДНО-ХИМИЧЕСКИЕ ХАРАКТЕРИСТИКИ**

**02.00.11 – Коллоидная и мембранная химия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Наманган – 2022**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по химическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистана за номером B2022.2.PhD/K459

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета ([www.nammti.uz](http://www.nammti.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:**

**Холиков Авдували Жонизакович**  
доктор химических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Абдикамалова Азиза Бахтияровна**  
доктор химических наук

**Хошимов Фарход Файзуллаевич**  
кандидат технических наук, доцент

**Ведущая организация:**

**Ташкентский химико-технологический институт**

Защита диссертации состоится «13» августа 2022 года в «14<sup>00</sup>» часов на заседании Научного совета PhD 03/30.12.2019.K/T66.02 при Наманганском инженерно-технологическом институте по адресу: 160115, г. Наманган, ул. Косонсой, 7, Тел: (0569) 228-76-71, Факс: (0569) 228-76-71; e-mail: [nei\\_info@edu.uz](mailto:nei_info@edu.uz).

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Наманганского инженерно-технологического института под регистрационным № 463 (160115, г. Наманган, ул. Косонсой, 7. Тел: (0569) 228-76-71, Факс: (0569) 228-76-71).

Автореферат диссертации разослан «30» июля 2022 года.  
(Рештр за № 8 от «30» июля 2022 года).



  
**О.К.Эргашев**  
Председатель научного совета  
по присуждению учёной степени, д.х.н., профессор

  
**Д.Ш.Шеркузиев**  
Учёный секретарь научного совета  
по присуждению учёных степени, к.т.н., доцент

  
**А.С.Боймирзаев**  
Председатель научного семинара при научном совете  
по присуждению ученой степени, д.х.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора (PhD) философии)**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** На сегодняшний день в мире существует проблема разрушения металлических, бетонных и др. конструкций в результате взаимодействия с окружающей агрессивной средой, что приводит к существенным экономическим затратам для каждой страны. В связи с этим актуальными являются создание новых полимерных реагентов и их композиций, устойчивых к высоким температурам и физико-химическим воздействиям, определение их физико-механических, химических, технологических и защитных свойств.

Во всем мире ведутся научные исследования по созданию новых антикоррозионных защитных материалов на основе природных и синтетических смол. В связи с этим, особое внимание уделяется модифицированию эпоксидного олигомера с различными химическими веществами, созданию составов новых композиционных материалов, наполнителей и др. добавок, установлению влияния состава композиционных покрытий на адгезионную прочность, теплостойкость, ударопрочность, остаточное напряжение и химическую устойчивость системы, разработке и апробацию технологии получения новых модификаторов эпоксидной смолы и покрытий на их основе, которые являются важной задачей для предупреждения коррозионного разрушения различных конструкций.

В Республике достигнуты научные и практические результаты по получению новых химических реагентов и композиционных защитных покрытий на основе эпоксидного олигомера. В Стратегии действий по развитию Республики Узбекистан определены задачи в направлении – «модернизация и диверсификация промышленности путем перехода на новый уровень касательно качества по быстрому развитию производства готовой продукции с высокой прибавочной стоимостью на основе глубокой переработки ресурсов местного сырья, высокотехнологических сфер переработки»<sup>2</sup>. В этом аспекте имеет большое значение научные исследования по созданию высоко эффективных антикоррозионных покрытий, установлению связи между составом, условиями получения и их физико-механическими и коллоидно-химическими характеристиками.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан № ПФ-60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы», №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах» и Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-3983 от 25 октября 2018 года «О мерах по ускоренному развитию химической промышленности Республики Узбекистан», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

---

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в республике VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

**Степень изученности проблемы.** В мире целенаправленные исследования в области создания защитных покрытий и модифицирующих добавок к ним активно проводятся научными школами Jackson W., Manson J.A., Manzione L.T., Wazarkar K., Яковлева А.Д., Розенфельда И.Л., Журкова С.Н., Берлина А.А., Фомина М.Н., Емельянова Ю.В., Малинина А.В., Кравцова В.В., Скороходова О.Н., Негматова С.С., Джалилова А.Т., Акбарова Х.И., Жуманиязова М.Ж., Холикова А.Ж. и др.

Исходя из анализа существующих научных работ, следует отметить, что при разработке композиционных полимерных покрытий с высокими антикоррозионными, адгезионными, физико-механическими и коллоидно-химическими свойствами не рассматривалось влияние активных функциональных групп в составе матрицы на эксплуатационные свойства покрытий. В данной диссертационной работе освещается решение проблемы создания матрицы на основе эпоксидных смол, содержащие уретановые связи и кремнекислородные мостики.

**Связь исследования с научно-исследовательскими планами научно-исследовательского учреждения, в котором была выполнена диссертация.** Диссертационное исследование выполнено в рамках плана научно-исследовательских работ Национального университета Узбекистана по фундаментальному проекту ЁФ7-1 «Ингибиторы коррозии нового поколения на основе местного сырья».

